

## Қалблар нима билан юмшайди?



08:00 / 29.09.2020 2303

Умар ибн Салоҳ айтади: «Имом Аҳмаддан «Қалблар нима билан юмшайди?» деб сўрадим. У менга бир қараб, бир муддат жим қолди. Сўнг «Нима билан дейсанми? Ҳалол луқма ейиш билан», деди. Сўнг мен Абу Насрнинг олдига бориб, ундан ҳам «Қалблар нима билан юмшайди?» деб сўрадим. У: «**Билингки, қалблар Аллоҳнинг зикри ила ором олур**», деди. Мен унга бу саволни Имом Аҳмад ибн Ҳанбалдан сўраганимни айтдим. У: «У кишидан сўрадингми?» деди. Мен: «Ҳа. Ҳалол луқма ейиш билан деб жавоб бердилар», дедим. Абу Наср: «У сенга қалбларнинг юмшашига асос бўладиган нарсани айтибди», деди».

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**